

Muassislar:

O'ra maxsus, kasb-hunar
ta'limi markazi.O'ra maxsus, kasb-hunar ta'limi tizimi
kadrlari malakasini oshirish va ularni qayta
tayyorlash institutiHammuassis: O'ra maxsus, kasb-
hunar ta'limi muassasalarini axborot-
metodik ta'minlash xizmati
Ilmiy-uslubiy jurnal
2000 yildan nashr etila boshlangan.

Bosh muharrir

U. SALIMOV

Bosh muharrir o'rinbosari

X. ZIKRILLAYEV

Ijrochi direktor

B. XOLLIYEV

Tahrir hay'ati:

U. I. INOYATOV

R. H. JO'RAEV

Z. YO. XUDOYBERDIYEV

S. SH. TOSHPULATOV

M. M. XOLMUHAMEDOV

SH. S. SHARIPOV

A. R. XODJABAYEV

Q. T. OLIMOV

X. F. RASHIDOV

Z. K. ISMAILOVA

Manzil:

100095, Toshkent sh.,

Ziyo ko'chasi, 76-uy.

Tel.: (0-371) 246-52-61

Jurnal O'zbekiston matbuot va axborot
agentligida 2007 yil 3 yanvarda qaytadan
ro'yxatga olinib, 0109-raqamli
guvohnoma berilgan.

Tahririyat fikri muallif

uqtai nazariga to'g'ri kelmasligi mumkin.

Tahririyatga yuborilgan maqolalar

egasiga qaytarilmaydi.

Jurnaldan ko'chirib bosilganda

«Kasb-hunar ta'limi» dan olingani

izoblanishi shart.

Bosishga ruxsat etildi: 20.04.2016

O'lchimi 60x84. 1/8. Bosma tobog'i 5,0.

950 nusxada chop etildi.

Buyurtma № 487.

Sano-standart» MChJ

bosmaxonasida chop etildi.

Manzil: Toshkent sh.,

Shiroq ko'chasi, 100-uy.

SH. JONIQULOV, B. XOLLIYEV, I. MAMATOV. Suv xo'jaligi

sohasi uchun malakali mutaxassislar tayyorlashning muhim

masalalari..... 2

G.-D. XOPFNER, SH. MAHMUDOVA, M. XOLMUHAMEDOV.

O'zbekiston-Shveysariya "O'zbekistonda kasbiy ko'nikmalarni

rivojlantirish" IV faza loyihasi: maqsad, reja va natijalar..... 5

*J. SHOSALIMOV, M. TOSHPOLATOV, B. SAYIDAXMEDOV.**S. BOBOQULOV.* Mintaqaviy kasbiy tayyorgarlik markazlari

faoliyati yo'nalishlari tahlili..... 8

N. CHINIQULOV, R. RUSTAMOV, X. NAZAROV, N. BAHRIDDINOV.

Ta'lim standartlari va o'quv rejalarini takomillashtirishning dolzarb

masalalari..... 14

B. ISHMO'MINOV. Ekologik ta'lim — sog'lom turmush tarzini

shakllantirishning muhim omili..... 17

N. SHERBOYEV. Kasb ta'limida pedagogik texnologiyalarni qo'llash

asoslari..... 19

Z. JO'RAYEV, O. PARPIYEV, A. BERDISHEV. Suv xo'jaligi

sohasi mutaxassislarining malakasini oshirishga yangicha yondashuvlar... 21

B. NURIDDINOV. Ishlab shiqarish ta'limi ustalarining malakasini

oshirish masalalari..... 23

J. ORISHEV. Kasb-hunar kollejlarida mashg'ulotlarni innovatsion

asosda tashki etish..... 26

R. RUSTAMOV, N. CHINIQULOV, B. HAYDAROV, O. TOSHTEMIROV.

Nazariy va amaliy mashg'ulotlar uzviylikini ta'minlashda modulli

o'qitish texnologiyasining afzalliklari..... 30

M. ЯНГИЕВА. Экологическое воспитание учащихся..... 32

Касб-хунар коллежларида машғулотларни инновацион асосда ташкил этиш

Ж. Б. ОРИШЕВ, А. Қодирий номидаги ЖДШИ ўқитувчиси

Мақолада умумкасбий фанларни ўқитишда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг аҳамияти, ўқитишнинг замонавий усуллари ҳақида сўз юритилган.

Таянч сўзлар: касб-хунар коллежи, таълим жараёни, ахборот-коммуникация технологиялари, таълим дастурлари, дарс таркиби, баҳолаш.

In this article there is an importance of using computer technology during the lesson and technology teaching of public professional subjects

Key words: professional college, education process, informatively-communication resource, information technology, education programs, structure of lesson, evaluation.

В статье речь идёт о значении использования в учебном процессе информационно-коммуникационных технологий при обучении общепрофессиональных дисциплин.

Ключевые слова: профессиональный колледж, процесс образования, информационно-коммуникационная ресурсе, информационная технология, программы образования, структура урока, оценивание.

Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, дарсларни инновацион асосда ташкил этиш ўқувчиларда дастур материалларини изчиллик билан тўла ўзлаштириб, олган билимларни амалиётга тadbик қилишлари учун жуда катта имкониятлар яратади. Шу билан бирга, фанни ўқитиш учун компьютерлардан фойдаланиш қўйидаги шартларнинг бажарилишини талаб этади:

— компьютерли технологияни жорий этиш учун дастур мажмуасини ишлаб чиқиш, яъни ўқув жараёнини бошқариш, назорат қилиш, ўқувчилар билимини текширишни лойиҳалаш;

— ўқув жараёнида компьютер дастурлари асосида тайёрланган дидактик материалларни қўллаб ўқувчилар билимини синаб кўриш ва кенг жорий этиш;

— олиб борилган ўқув-амалий иш натижалари асосида илмий-амалий таклифларни ишлаб чиқиш ва бошқалар [3,16-б]

Республикамизнинг кўзга кўринган олимларидан Бегимқулов У. Ш., Жўраев Р.Ҳ., Шарипов Ш.С. ўзларининг илмий тадқиқот ишлари ва методик қўлланмаларида ахборот-коммуникация технологиялари воситаларидан ўқув жараёнида фойдаланишнинг аҳамияти ва му-

ҳим жиҳатлари борасида сўз юритиб, қўйидагиларга алоҳида тўхталиб ўтганлар:

— ўқитиш жараёнини дифференциялаштириш ва индивидуаллаштириш;

— ўқиш жараёнини баҳолаш, қайтар алоқани ташкил этиш;

— ўзини ўзи назорат қилиш ва ўз фаолиятига тузатишлар киритиб бориш;

— ўрганилаётган фанларнинг имкониятини намойиш этиш ва ривожланиш динамикасини кўрсатиш;

— фан мавзуларини ўрганишда компьютер, ахборот-коммуникация технологиялари, анимация, графика, мультипликация, овоз имконияларидан фойдаланиш;

— ўқув фанини яхши ўзлаштиришлари учун ўқувчиларда стратегик кўникмаларни шакллантириш ва ҳоказо [2, 9 б].

Узлуксиз таълим-тарбия жараёнига илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини тadbик этишда қўйидагиларни амалга ошириш асосий вазифалар ҳисобланади:

— янги ахборот-коммуникация технологияларини таълим-тарбия жараёнига тadbик этишнинг зарурий моддий-техника базасини яратиш;

— таълим-тарбия жараёни учун замонавий ахборот технологияларини лойиҳалаш ва қўлданш;

— фойдаланувчиларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги билим ва кўникмаларини чуқурлаштириш;

— замонавий технологиялар воситасида таълим ва тарбия жараёнларидаги самарадорликни кафолатлаш [2, 13 б].

Бугунги кунда жамият тараққиётини электр токи, электр энергияси, умуман, электрлаштирилган жиҳозларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Умуман, ҳар қандай соҳада ва ҳар қадамда электр токига оид ҳодиса, жараён ёки тушунчага дуч келамиз. Шунинг учун соҳа ходимларини тайёрлашда таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш зарур [1]. Биз ушбу мақолада касб-ҳунар коллежлари (КХК) да соҳа учун кичик мутахассисларни тайёрлашда ўқитиладиган «Умумум касбий фанлар» «Умумий электротехника» асослари фанини ўқитишни такомиллаштириш юзасидан олиб борилаётган кўп йиллик илмий тадқиқот ишिमизнинг мазмун-моҳияти, натижалари ва педагогик жараёнда қўлланилган методика ҳақидаги қисқача тўхталиб ўтамиз.

Биз ўқувчиларда ўрганилаётган мавзу бўйича мукамал тушунча, билим, кўникма ва маънавиятни шакллантириш учун «Умумий электротехника асослари» фанидан дастурлаштирилган кўмакчи компьютерли тизимни ишлаб чиқдик ва амалда қўладик. Бу тизимдан фойдаланиш тартиб-қоидаси схематик тарзда тасвирланган (схемага қаранг).

Схемадан кўриниб турибдики, дарс жараёнида ўқитувчи фан мавзусини тушунтириб берар экан, дастурлашган тизим асосидаги маълумотлар омборидаги тегишли бўлимларга мурожаат қилиб, ўқувчиларга мавзу мазмунини етарлича баён қилади.

Назарий — мавзу бўйича назарий маълумотлар тўплами (таърифлар, таянч тушунчалар, қоидалар, қонунлар, тамойиллар, мезонлар ва ҳоказо). Ўқитувчи мавзунини тушунтираётганда ушбу назарий маълумотларни ёритиб боришда қолган бўлим материаллари билан боғланиб, уларнинг фойдаланиши мумкин.

Амалий — мавзунинг амалиётга қўлланилаётган ҳолатлари; шунингдек ҳар бир мавзу учун алоҳида топшириқлар, амалий машғулотлар ва уларни bajarish бўйича услубий кўрсатмалар берилган. Бу бўлимда ҳам назарий, маълумот, стенд, интернет, тест бўлими материалларидан фойдаланиш, улар билан боғланиш имкони мавжуд.

Маълумот — мавзуга тегишли жадваллар, асосий формулалар, доимийликлар, физик катталиклар, физик катталик белгиларини ўз ичига олади. Бунда ҳам назарий, амалий, стенд, тест, интернет каби қисмлар билан боғланиш имконияти мавжуд.

Стенд — мавзуга оид кўрсатмали маълумотлар (электр занжир схемалари, электрлашган жиҳозлар суратлари, макетлар, моделлар фоторасмлари, вектор диаграммалар, графиклар ва ҳоказо)ларни ўз ичига олади. Бунда ҳам назарий, амалий, тест, интернет каби қисмлар билан боғланиш имконияти мавжуд.

Тест — мавзу бўйича ўқувчининг ўзлаштиришини назорат қилиш учун саволлар тўплами ва натижалар кўрсаткичини ўз ичига олади. Тестнинг охирида ўқувчи жавоб бера олмаган тест саволининг мавзуларини кўрсатиб беради.

Ўқувчи ўзлаштира олмаган мавзуларни қайта кўриб чиқиши ва мустақил ўрганиши мумкин. Тест назорати ҳар бир мавзудан кейин ёки боб охирида ўтказилади.

1.1.1.-1.1.1.— мавзу (1.1.1- биринчи бобнинг биринчи мавзусига тааллуқли 1-расм ва ҳоказо) ни ёритиш учун лозим бўлган расмлар, схемалар ва диаграммалар ҳақида кўрсатмали маълумотлар ва уларнинг изоҳлари.

Интернет — мавзунини ўрганишга тааллуқли бўлган интернет материаллари (маълумотлар, веб-сайтлар манзиллари, дунёнинг илғор мамлакатлари ютуқлари ва ҳоказо).

Бошқа фанлар билан алоқа — мавзунини умум-касбий фанлар блокидаги бошқа фанлар билан алоқадорликда ўрганиш учун дидактик материаллар.

БКМ_{дтс} — Давлат таълим стандартларида белгилаб қўйилган ва таълим олувчиларларда




Схема. Мавзунини ўтишда компьютерли ўқитиш усулидан фойдаланиш тартиби

шакллантирилгани лозим бўлган минимал билим, кўникма, малака.

БКМО — инновацион технология асосида ўқувчида шакллантирилган билим, кўникма, малака.

Шу асосда ўқитувчи ва ўқувчилар иштирокида таълим жараёни инновацион усулда ташкил этилади. Ўқитувчи дарс давомида компьютерлардан фойдаланган ҳолда мавзунини ёритиб беради. Агар ўқувчиларда мавзу бўйича етарли даражада билим, кўникма ва малака шаклланса, у кейинги мавзунини ўрганиш учун тайёр бўлади. Акс ҳолда, ўқитувчига қайта муурожаат этиши лозим [4].

БХКларида ушбу ўқитиш технологиясидан «Умумий электротехника асослари» фанини ўқитишда фойдаланиб ўтказилган тажриба-синов дарсларида қуйидаги ижобий педагогик самараларга эришилди:

— мавзу бўйича етарлича дидактик материаллар ўқувчиларга ҳавола этилди;

— компьютер ёрдамида ўрганиладиган билимларнинг юқори даражадаги кўргазмалиллиги таъминланди;

— ўқувчиларнинг мавзунини ўзлаштириш кўрсаткичини дарс жараёнида қисқа вақт ичида аниқлаш имконияти таъминланди;

— кўрсатмалар маълумотлардан кўпроқ фойдаланиш орқали мавзу бўйича билим, кўникма ва малакалар ўқувчиларда тезроқ шаклланишига ёрдам берилди;

— мавзуга оид барча тушунчаларни умумий дастур асосида компьютер воситасида ўрганиш имкониятининг мавжудлиги ўқувчининг мустақил ишлаши учун қулай шароитлар яратилишига олиб келди;

— ўқувчилар учун дарс пайтининг ўзида Интернет тармоғига уланиш ва ўрганилаётган мавзу юзасидан дунё мамлакатлари ютуқларидан хабардор бўлиш имконияти яратилди;

— ўқувчиларга мавзуга оид билимларнинг фанлараро алоқадорлик тамойили асосида берилиши натижасида улар жадал ўзлаштирилади;

— ўқувчиларнинг фанга оид тушунчаларни компьютерда мустақил ўрганганлиги туфайли

ўқитувчининг улар билан кўшимча ишлаганига имкониятлар туғилди ва бу уларда ижодкорлик қобилиятининг ўсишига сезиларли таъсир кўрсатди.

Замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, юқорида баён этилган дидактик материаллар асосида ўқитиш ташкил этилса, ўқувчиларга «Электроэнергетика» тайёрлов йўналишининг «Электр тармоқлари ва жиҳозларини монтаж қилиш ва соғлаш» мутахассислиги бўйича электр тармоқлари ва электр жиҳозлари электр механиги, кабель тармоқлари электр монтажчиси, қувватли тармоқлари ва электр жиҳозлари электр монтажчиси каби ихтисосликлар бўйича ўқитилаётган умумкасбий фанлардан етарли даражада маълумотлар берилади.

Бу усул бошқа усуллар қўлланилганда ўзлаштириш қийин бўлган материалларни осон ўрганишга ва уларни хотирада узоқ сақлашга имкон беради. Пировард натижада «Электроэнергетика» тайёрлов йўналиши бўйича тайёрланаётган бўлажак кичик мутахассисларда касбий билим, кўникма ва малакалари етарли даражада шаклланади.

Адабиётлар:

1. Касб-ҳунар коллежларининг «Электр энергетика» йўналиши бўйича намунавий ўқув режа ва тармоқ стандарти.

2. Бегимқулов У.Ш., Жураев Р.Ҳ., Исянов Р.Г., Шарипов Ш.С., Адашбоев Ш.М., Цой М.Н. Педагогик таълимни ахборотлаштириш: назария ва амалиёт. Монография. Тошкент, 2011. — 177 б.

3. Жураев Р.Ҳ., Мирзаев Ч.Э., Раҳимов Б. Замонавий педагогик технологияларни таълим жараёнига тадбиқ этиш жараёнини комплекс лойиҳалаш. Узлуксиз таълим. Илмий-услубий журнал. Тошкент, 2008. — № 3. — Б. 14-22.

4. Тўрақулов О.Х. Ахборотлаштирилган таълим муҳитида кичик мутахассислар тайёрлашнинг илмий-методик таъминоти. Монография. Тошкент. ЎМКХТТКМО ва ЎҚТИ нашриёти. 2010. — 158 б.